Халқ зиёлилари рўзномаси

# Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 5 ДЕКАБРЬ, ШАНБА

№ 100 (6596).
Баҳоси 1 сўм 50 тийин.

**8 декабрда Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг ўн биринчи сессияси очилади**

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўтган сессиясида ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётимизда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган «Таълим тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама этилиб, қабул қилинди.

Хўш, нега бу қонун ҳал қилувчи аҳамиятга эга деяпмиз? Чунки мустақиллик йўлига чиққан Ўзбекистон давлатининг тақдирини, ҳам иқтисодий, ҳам маданий равнақини юқори малакали кадрлар белгилайди. Мутахассис кадрлар эса осмондан тушмайди. Уларни мактаблар, олий ўқув юртлари, аспирантураларда тайёрлашимиз ва тарбиялашимиз зарур. Биз иқтисодимиз асослари хусусида бир қатор қонунларни қабул қилдик. Аммо таълим-тарбияни тўғри йўлга қўймас экан-миз, биз ҳеч нарсага эриша олмаймиз.

Қабул қилинган Қонуннинг энг катта ижобий томони шундаки, у кенг демократик характерга эга ва унда таълимдаги тарихий анъаналаримиз билан бир қаторда умуминсоний тажрибаларга таянилган. Энг муҳими эса ўқувчилар, талабалар ва ўқитувчи-педагоглар ҳуқуқлари кенг ҳимоя қилинган, дини, ирқи, миллатидан қатъи назар таълимнинг эркинлиги таъминланган. Бу халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган республикамиз учун сиёсий жиҳатдан жуда муҳимдир.

Биз ҳозирги кунда бозор иқтисодиётининг мураккабликлари ва қийинчиликларини бошимиздан кечирмоқдамиз. Гапнинг очиғи, ўтиш даврида ва ундан кейин ҳам ўқитувчилар, студентлар ва ўқувчилар ижтимоий жиҳатдан энг кўп муҳофазага муҳтож бўлган табақадир. Сўнгги пайтда Президентимиз томонидан уларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор фармонлар қабул қилинди. Аммо эркин нархларга ўтилиши муносабати билан ўқитувчиларнинг маошини максимум даражада оширишни яна бир карра ўйлаб кўришимиз зарур. Шу ўринда ўқитувчиларнинг ойлик иш ҳақини йирик завод ва фабрикалар ишчилари маошига тенглаштириш зарур, деган таклифни ўртага ташламоқчиман. Ўқитувчиларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш фақат ойлик маошларини оширишдангина иборат бўлиб қолмаслиги керак. Уларни уй-жой билан таъминлаш, уй-жой қураётганларга ҳар томонлама моддий кўмак бериш, шунингдек, улар соғлиғини муҳофаза қилиш эндиликда устивор даражада бўлмоғи керак. Миллатимиз ва давлатимиз истиқболини ўйласак, ҳозир ана шундай қийин, бироқ дадил қадам қўйишимиз шарт.

## Депутат минбари

# ЮЗИМИЗ ДОИМО ЁРУҒ БЎЛСИН

Ҳозир республикамиз ҳудудида бундан 40—50 йил аввал қурилган, бутунлай яроқсиз аҳволга келиб қолган мингдан ортиқ мактаб бинолари бор. Мен «Таълим тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинган кезларда жойларда ўтган йиғилишларда қатнашиб, шу нарсага амин бўлдимки, ўқитувчиларни ҳам, ота-оналарни ҳам қаттиқ ташвишга солаётган нарса — ана шу, кўрсанг хўрлигинг келадиган ярим вайрона мактаб биноларидир. Биз болаларимизни, уларнинг мураббийлари ҳаётини эндиликда хавф остига қўя олмаймиз, бунга ҳаққимиз йўқ. Шу боис халқ таълими моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун миллий даромаддан халқ таълими тизимини тўлиқ таъминлашимиз зарур. Ҳозирги иқтисодий таназзул тобора чуқурлашиб бораётган бир пайтда таълим-тарбия соҳасига кўп маблағ ажратиш кимгадир асоссиз бўлиб туюлиши мумкин. Аммо мен бошқача иккинчи йўлини кўрмаяпман. Бу таклифни шу соҳанинг етакчи мутахассислари ҳам қизғин қўллаб-қувватлашдики, демак, бу бугунги кунда ҳамма-ҳаммани ташвишлантираётган долзарб муаммодир.

Қонунда ногиронлар табақасига таълим бериш масалалари алоҳида ҳисобга олинганлигини қайд этган ҳолда, **«тарбияланувчилар қисман ёки тўлиқ давлат таъминотида бўладилар»**, дейилган. Биз эндиликда қонуннинг яна шу моддасини оғишмай амалга оширмоғимиз, ногиронларни жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлишларини таъминламоғимиз зарур.

Айни пайтда турли касбдаги ишчиларни тайёрлашга қаратилган кўплаб ўрта махсус билим юртлари фаолият кўрсатиб турибди. Аммо ҳали миллий ишчилар синфи вужудга келганича йўқ. Бу муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммони ҳал қилиш, болаларда мактаб ёшидаёқ маълум касб-ҳунар малакасини шакллантириш мақсадида бўёқчи, ғишт терувчи, гилкор, дурадгор, тикувчи каби касблар соҳибларини мактаблар қошидаги ўқув ишлаб чиқариш комбинатларида тайёрлашни йўлга қўйишимиз даркор. Бу ўз навбатида билим юртларига сарфланаётган маблағни тежаса, иккинчи томондан ёшлар ҳунарли бўлиши ва иш билан таъминланишларига имкон беради. Ўқув ишлаб чиқариш комбинатларини зарур ускуналар билан қайта жиҳозлашда завод-фабрикалар, колхоз-совхозлар ёрдам беради, деган умиддамиз. Бундан махсус билим юртларини бутунлай тугатиш керак экан-да, деган фикр келиб чиқмаслиги лозим. Фақат билим юртларини жуда юқори малака талаб қиладиган мураккаб касбларни ўргатишга ихтисослаштириш керак.

Шу йил 8 декабрда ўз ишини бошлайдиган Олий Кенгашимизнинг навбатдаги сессияси муҳокамасига Ўзбекистон Республикаси янги Конституцияси лойиҳаси ҳам муҳокамага қўйилади. Янги асосий Қонунимиз ёш мустақил давлатимизни демократик ва инсонпарвар жамият қуришга қатъий аҳд қилганлигини яққол кўрсатиб турибди. Ушбу лойиҳани халқ ўртасида, меҳнат жамоаларида кенг ва атрофлича муҳокама қилинаётганлиги, минглаб таклифлар билдирилаётганлиги — фуқароларимиз, давлатимиз ва миллатимиз келажагига бефарқ эмаслигининг ёрқин далилидир. Бош қомусимизда таълим ва мактабга алоҳида эътибор қаратилганлиги айни муддао бўлган. Жумладан, 41-моддада: **«Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари умумий давлат назоратидадир»**, дейилган. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида бепул умумий таълим олиш Конституция орқали кафолатлангани жуда катта ижтимоий аҳамиятга эгадир.

Умуман, Олий Кенгашимиз сессияларида қабул қилинган ва қилинажак ҳужжатлар Республикамиз мустақиллигига кафолат сифатида халқимиз ва давлатимизнинг буюк истиқболига қўйилган мустаҳкам пойдевор бўлиб қолади ва бу миллат равнақига хизмат қилади. Зотан, ҳар қандай давлат у ёки бу бойлигининг кўплиги билан эмас, умумбашарий тараққиётга ҳисса қўшган улуғ фарзандлари билан буюкдир. Тараққиётимиз тақдирини яратувчилар йўлига яшил чироқ бўлиб порловчи «Таълим тўғрисида»ги қонун сиз билан бизнинг келажакка нечоғлик масъулиятимизни, маънавиятимиз даражасини яққол кўрсатувчи ўзига хос ойнадирки, биз бу ойнага ҳамиша ёруғ юз билан боқамиз, деган умиддаман.

**Равшан РАҲМОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси халқ депутати, Навоий давлат педагогика институти ректори, фалсафа фанлари доктори, профессор.**

## ЎН МИНГ СЎМДАН ПУЛ ВА БИТТАДАН ТЕЛЕФОН

Ҳакан қишлоғидаги «Намуна» савдо-саноат кооператив бирлашмаси устки ва ички кийимлар, пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Бирлашманинг харидоргир маҳсулотлари кўпчиликка маъқул келиб, яхшигина даромад олинмоқда. Корхона маъмурияти хайрли иш қилиб, соф фойдасининг бир қисмини қишлоқдаги 23, 40, 41, 44-мактабларга улашяпти. Яқинда ҳар бир мактабга улар ўн минг сўмдан пул ва хорижда ишланган телефон қурилмасини совға қилишди.

— Бу пулларни мактабларга ҳозирги иқтисодий танглик шароитида ўз эҳтиёжларига сарфлашлари учун ажратдик, — дейди бирлашма раиси Зокиржон Иброҳимов. — Келгусида 40-мактаб янги биносининг қурилишига ҳам кўмаклашмоқчимиз.

Азизхон БУЗРУКОВ.
Андижон райони.

## Маърифат янгиликлари

### ЗИЁКОРЛАР УЧУН САНАТОРИЙ

Элликқалъа тумани ҳудудида Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими ходимлари учун махсус санаторий қурилиши 1990 йилда бошланганди. 100 ўринга мўлжалланган бу шифохонанинг умумий майдони 7,5 гектардан иборат бўлиб, унинг 4,5 гектарини боғ ташкил қилади. Андижон вилоятининг Мичурин номли давлат хўжалигидан келтирилган ҳар хил мевали дарахт кўчатлари бу ерда яхши ўсиб, ажойиб боққа айланмоқда.

— Ҳозирги пайтда, — дейди биз билан суҳбатда янги санаторий-шифохона директори Қодир Тожибоев, — қурилиш ишларининг 90 фоизи бажарилди. 1993 йилда бу ишлари тамомланиб, санаторий фойдаланишга топширилади. Шифо масканида ошқозон-ичак, буйрак, юрак касалликлари билан оғриган бемор ўқитувчилар, халқ таълими ходимлари даволанади. Санаторийда шифобахш сув билан таъминланадиган ванналар, физиотерапия, электр нури билан ва балчиқлой билан даволовчи махсус кабинетлар мавжуд бўлади.

Санаторийнинг ўз ёрдамчи хўжалигини тузиш мўлжалимиз бор. Иқтисодий шароитдаги қийинчиликларда ҳам беморлар учун барча моддий имкониятларни яратиш олдимизда турган бурчимиздир. 40 қути асалари боқмоқчимиз. Кичик фермамиз ҳам бўлади. Шу мақсадда яқинда 5 та сигир сотиб олдик. Хуллас, зиёкорларнинг дарду хасталикларини камайтиришга астойдил бел боғлаганмиз.

«Қарақалпакагрострой»нинг Элликқалъадаги 313-кўчма механизациялашган колоннаси қурувчилари янги объектни ўз вақтида ишга туширишнинг ўзи ҳам ажратишжоат кўрсатмоқдалар.

Ўз мухбиримиз.

### МАКТАБ ТЕАТР ОТАЛИҒИДА

Пойтахтимизнинг Юнусобод районидаги 253-мактабга атоқли актёр, Ҳамза мукофоти совриндори, Ўзбекистон халқ артисти Ҳамза Умаров номи берилиб, унинг хотираси абадийлаштирилган эди. Куни-кеча бу мактабда Ҳамза Умаров хотирасига бағишлаб театр санъаткорлари билан учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда Ҳамза номли ўзбек Давлат академик театри, Мўқимий номидаги Давлат мусиқали комедия театри, Абдулла Қаҳҳор номли сатира Давлат театри артистлари, «Ўзбекфильм» актёрлари, кино уйи ходимлари ва бошқа меҳмонлар иштирок этдилар.

Учрашувда таниқли санъаткорлар Зикр Муҳаммаджонов ва Саидкамол Умаровлар Ҳамза Умаров ҳақидаги ўз хотираларини сўзлаб беришди. Атоқли актёрнинг ўғли Шуҳрат Умаровнинг отаси ҳақидаги хотиралари учрашув қатнашчиларида, айниқса, катта таассурот қолдирди. У Ҳамза Умаровнинг шахсий гувоҳномасини мактаб музейига совға қилди.

Хотира кечасининг иккинчи қисмида театр санъаткорлари «Ёшликда берган кўнгил», «Имтиҳон» спектаклларидан саҳналар намойиш этдилар.

Кеча сўнгида Мўқимий номли театр жамоаси Ҳамза Умаров номли мактаб жамоасини оталиққа олишга қарор қилганлигини маълум қилди ва ҳар икки томон ўзаро яқин мулоқотда бўлишга аҳд этди.

М. ВАЛИЕВА,
Юнусобод туманидаги 274-мактаб ўқитувчиси.

# ҚЎЛЛАРИ ГУЛ БОЛАЛАР

Эндиликда мактаб ва ҳунар-техника билим юртлари жамоалари ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда халқ истеъмол буюмларини ишлаб чиқариб, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштирмоқдалар. Бу борада Қорақалпоғистон республикасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилаётир. Моддий бойлик яратиш билан бирга, турли касб-корларнинг сир-асрорини пухта эгаллаётган мактаб ўқувчилари ҳунар-техника билим юртлари талабалари озмунча эмас.

1991 йилда Қорақалпоғистон республикаси Халқ таълими вазирлигига қарашли билим даргоҳларида 140 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган эди. Бу режа 150 минг сўм қилиб адо этилди. 1992 йилда эса 243 минг 500 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган бўлса, шу кунгача 207 минг 700 сўмлик маҳсулот етиштирилиб, режа 128 фоизга бажарилди.

Мактаблар, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари ва ҳунар-техника билим юртларида, мебеллар, синф тахтаси, болалар боғчалари учун стулча, столлар, дурадгорлик асбоблари, ҳар хил ўқув қуроллари, ўқувчилар учун кийим-кечаклар ва бошқа буюмлар ишлаб чиқарилмоқда. Барча ҳунар-техника билим юртларида ва айрим мактабларда ёрдамчи хўжаликлар фаолият кўрсатаётир. Ўтган йили 529 тоннадан зиёд пахта, 328 тоннадан кўпроқ шоли, 509 тоннадан ортиқ сабзавот ва полиз маҳсулотлари, 824 тонна емхашак етиштирилди. Бу йил ҳам қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил йиғиштириб олинаётир. Шунингдек, ҳунар-техника билим юртлари ва мактабларнинг ёрдамчи хўжаликларида 100 бошдан кўпроқ йирик қорамол, 300 дан кўпроқ қўй ва эчки боқиляпти. Улардан гўшт, сут, жун, тери маҳсулотлари олинмоқда.

Ўқувчилар қўли билан вужудга келтирилган маҳсулотларни аҳолига сотиш учун ҳар йили куз фаслида Нукусда ярмарка — кўргазма ташкил қилиш яхши анъанага айланган.

Навбатдаги кўргазма яқинда бўлиб ўтди. Унда 36 та ҳунар-техника билим юрти, 18 та ўқув ишлаб чиқариш комбинати ва айрим мактабларнинг вакиллари иштирок этди. Ярмарка савдосига жами 1 миллион сўмлик маҳсулот чиқарилди. Бу ерда одам гавжум бўлди, чунки ўқувчилар қўли билан яратилган буюмлар, етиштирилган маҳсулотлар дўконлардагига нисбатан анча арзонроқ нархда сотилди. Хўжайли райони 36 хил, Тўрткўл райони 28 хил, Элликқалъа райони 24 хил, Амударё райони 30 хил, Кегайли райони талабалари 40 хил маҳсулот олиб келишди. Айниқса, Элликқалъа районидаги Маҳтумқули номли мактабда, Амударё районидаги 5-мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида, Кегайли районидаги 1-мактабларо ўқув ишлаб чиқариш комбинатида, Тахиатош шаҳридаги 4-ҳунар-техника билим юртида ясалган буюмлар харидорларда катта қизиқиш уйғотди. Чимбойлик ёш кулоллар ясаган чиройли сопол идиш-товоқларнинг ҳам бозори чаққон бўлди.

Кўргазманинг очилишига бағишланган тантанали маросимда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси У. Аширбеков, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси Р. Йўлдошев, Республика халқ таълими вазири Т. Отамуротов ва бошқалар иштирок этишди.

Ғ. ЁҚУБОВ,
ўз мухбиримиз.

*Таҳририятга мактуб*

# ДАРСЛИКЛАРГА КИРИТИЛСА...

Ўтган ойда атоқли давлат ва жамоат арбоби, машҳур ёзувчи Шароф Рашидовнинг 75 йиллик юбилейининг ўтказилиши адолат ва ҳақиқат тантанаси бўлди. Чиндан ҳам унинг республикага раҳбарлик қилган даврида-ги амалга оширган ишлари, ижодкор сифатида яратган бадиий ва публицистик асарлари халқ қалбидан ўрин олган, эл ҳурматига сазовор бўлган. Шунинг учун ҳам, биз мактабимиз жамоаси билан улуғ инсоннинг таваллуд топган кунига бағишланган тадбирларни тайёрлаб ўтказдик. Бу тадбирларимиз орасида ҳар бир синфда Шароф Рашидов ҳаёти ва ижоди ҳақида суҳбатлар ўтказиш, деворий газеталар чиқариш ва бошқалар бор эди. Шунингдек, кутубхонада ва адабиёт хонасида ёзувчи асарлари кўргазмаси ташкил этилиб, унинг китоблари юзасидан баҳс-мунозаралар ўтказилди.

Буларни айтишдан мақсад шуки, белгиланган тадбирларимизни амалга оширишда катта қийинчиликларга дуч келдик. Ш. Рашидов асарларини мактаб кутубхоналаридангина эмас, район марказидаги кутубхоналарда, китоб дўконларидан излаб ҳам тополмадик. Бу, албатта, бизни ранжитди. Яхшиямки, кундалик матбуотда берилаётган мақолалар, суратлар бор экан, бизга асқотди. Нима учун ёзувчи асарлари кутубхоналардан йиғиштириб олинган, нима учун унинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш мактаб ўқув режаларидан чиқариб ташланган? Бу саволлар биз зиёлиларни ўйлантиради, албатта.

Бизнинг фикримизча, ёзувчининг романларини, айниқса, «Кашмир қўшиғи», «Икки дил достони» қиссаларини, янгидан топилган «Равшан» драмасини (Исмоил Акром билан ҳамкорликда ёзилган) чоп этиб, китобхонларга тақдим этиш зарур.

Яна бир фикр шуки, ҳақиқат чала бўлмаслиги зарур, яъни Шароф Рашидовнинг ҳаёти ва ижоди ўрта мактабларнинг 10 — 11-синфларида кенгроқ ўрганилиши керак. Ана шу мақсад ўқув дастурлари ва дарсликларида ҳам акс этиши лозим. Ўйлаймизки, халқимиз учун азиз инсоннинг ҳаёти, ижоди, унинг саховатли ишлари ҳамиша ибратга лойиқдир.

Ш. ОТАҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти Пайариқ районидаги 1-ўрта мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, Республика халқ маорифи аълочиси.

# НУРЛИ ТОМЧИЛАР

## БИР МИЛЛИЙ КОЛЛЕЖ ТАЖРИБАСИ

### КАМТАРИН ИНСОН

Беш қўл бирдай эмас. Одамлар минг турфа турланади. Бирининг кўнгли оқ, бириники... Улар ҳаёт ва жамиятга қарашларини ҳам фақат ўз қаричлари билан ўлчашади. Бироқ шундай зотлар бўладики, кўринишда она ердай содда, аммо қалби кўзи очилмаган ганжина. Унга қўл солсанг, ноёб ақлу тафаккур хазинасига дуч келасан, унда буюк эзгуликлар, хайрли халқ ташвишлари бир ҳовуч нурдек акс этади, ўша нурда олам намоён.

Ўша учрашувда у ҳамманинг диққатини ўзига тортмай қолмади. Хушбичим, қоматдор, буғдойранг, кенг юзлари гўштдор, юлдузи иссиқ, қалам қошлари остида мужгонлари посбон бўлган кўзларига шу сирли олам ватан қурган, сокин тун янглиғ сочлари жингалак, таъзимкор ва қувноқ бу йигит умр баҳорининг учқур отида қирқни қамчилаб ўтиб, элликни қоралаб бораяпти. Юрагида вулқон учқунлайди. Жўшқин қалбининг беғуборлигини унинг маъноли гапларидан билиб олиш қийин эмас. Қандайдир руҳий қудрат ҳам бор унда. Ақли чақмоқдай, мияси мисоли бир академияга монанд. Бундай сирли хусусиятлар Тошкентда ўз даврининг энг эътиборли кишиси, саводхони ва билимдони бўлган бобокалони Мулла Миршариф домла, ҳазрати бузруквори Жўра ака ва кўзининг нури дийдаси онаизоридан ўтганмикин?

Биз қаламга олаётган бу камтарин инсон Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районидаги 45-кечки миллий педагогик коллеж директори Тинчивой Пўлатов.

Ўзбекистонимизда мактаб ва маориф соҳасида янги-янги дарсхоналар юзага келмоқда. Гимназия, лицей, эндиликда уларнинг сафига коллеж ҳам қўшила бошлади. Инқилобдан илгари чор Россияси ва Оврупо мамлакатларида шундай нурхоналар мавжуд эди. Улардан кўплаб машҳур кишилар етишиб чиққанлар. Коллеж — французча сўз бўлиб, махсус ўрта ўқув билим юрти дегани, Тинчивой Пўлатов шундай ўқув даргоҳининг раҳбари.

### «ҲАҚИҚИЙ ФАНАТИК ЭКАНСИЗ»

Бу коллеж бирдан машҳурликка юз тутди. Кутилмаганда японялик маорифчилардан бир гуруҳи коллежга меҳмон бўлиб келди. Уларнинг мақсади миллий ғоялар тизимларини ўрганиш, бирон-бир янгилик олиш эди. Уларга Тинчивой таълим ва тарбия, унинг ўзига хос хусусиятлари, Ўзбекистон шароитида коллежнинг тутган ўрни, миллийлик ғояларининг ечимлари хусусида батафсил сўзлаб берганида, меҳмонлар ҳангу манг бўлиб қолишди.

Улар машғулотларда бўлишди. Нималарнидир ён дафтарларига битишарди. Меҳмонларни коллежнинг болалар боғчаси тарбиячилари тайёрлаш бўйича тажриба машғулоти қизиқтирди. Тингловчилар билан савол-жавоб бўлиб ўтди:

— Қани сиз айтинг-чи,— деди меҳмонлардан бири олдинги қаторда ўтирган тўлагина бир жувонга ишора қилиб,— «неча ёшдасиз?»

— Ўттиз ёшдаман.

— Нечанчи курсда ўқийсиз?

— Учинчи курсда.

— Оилали бўлсангиз керак?

— Тўрт фарзандим бор.

— Кўп болали аёллар бизда ўқишмайди, фақат уй-рўзғор ва болалар тарбияси билан шуғулланади. Сизларда эса бошқача экан. Қани айтинг-чи, сизлар қандай қилиб ҳамма нарсага улгурасизлар?

Аёлнинг чеҳраси ёришди:

— Бизда болалар тарбияси ва уй ишларига кўпроқ қайнона — қайноталар ва турмуш ўртоқларимиз қарашадилар. Биз ҳам уларнинг ўтидан кириб сувидан чиқамиз.

Меҳмонлар бир-бирларига мамнун қараб қўйишди.

— Коллежда олиб борилаётган таълим ва тарбия жараёнлари, янги ғояларнинг амалиётда тутган ўрни жаҳон стандартларига мос келар экан,— деб қўйди улардан бири директорга...

Қозоғистон жумҳурияти халқ таълими вазири биринчи муовини ҳам бу ерда бўлганида таълим сифати жараёнларидаги янгиликлар қалбига тўлқин солмай қолмади. Хотин-қизлардан иборат тарбиячи-ўқитувчи, боғча ходими, уй-рўзғор ишлари бўйича малакали миллий мутахассислар етишиб чиқаётганидан кўнгли тўлди. Ҳаттоки ҳали ўқишни тамом қилмасданоқ биринчи гуруҳнинг 5—6 фоизи, иккинчи гуруҳда 11-синфларнинг 30—40 фоизи, учинчи гуруҳда 12-синфдан 90—100 фоизи ўқишдан ажралмаган ҳолда ўз мутахассисликлари бўйича ишлаётганликлари уни қувонтирди.

— Сиз,— деди ўшанда вазир муовини қувонч билан Тинчивойга,— ажойиб фанатик раҳбар экансиз...

### ТУМАНЛАР ИЧРА...

Ўзбек ишчилар гвардиясини тайёрлаш учун ёшларимизга билим ва маҳорат зарур. Уларни қандай қилиб бўлса ҳам ўқитиш шарт. Зотан, Худонинг сўзи — «Қуръони Карим»нинг бош сўзи ҳам — ўқимоқ, ўқимоқ, ўқимоқ дегани. Хўш, мактабда-ку касбу ҳунар ўргатишни эплай олмаяпмиз. Кечки ишчи-ёшлар мактабини очиб, уларга ҳунар сирларини ўргатиш мумкин-ку? Бундай мактабни қандай қилиб очиш мумкин? Районда шароит борми? Тинчивой башарти бундай мактабни очгудек бўлса, маориф раҳбарлари қандай қарашаркин? Ўзи ёшлар ташкилотида тобланган, тажрибаю ташкилотчилиги ҳам чакки эмас.

Тинчивой ўз режалари ҳақида район ва шаҳар халқ таълими бўлимлари раҳбарияти билан обдон фикрлашди. Унинг таклифлари қабул қилинди! Ахир ўша йиллари ўзбек тақдири учун, келажаги учун қайғурувчи, одил фикрловчи софдил кишилар ҳам бор эди-да.

Собир Раҳимов райони асосан саноат райони. Бу ерда «Миконд», «Агрегат», темир бетон, қурилиш материалларини қайта ишлаш заводлари ва бошқа фабрикалар жойлашган. Уларда қисман ёш ўзбек ишчилари ишласада, аммо билимсиз, давр талабларидан хабарсиз кишилар. Тинчивой уларни бир жойга йиғиб, ўқитиши, ўрта маълумот бериши керак. Ниҳоят «Агрегат» заводи биносида ишчи-ёшлар мактаби ташкил топди. Шанба кунлари ёшлар бу ерда сабоқ ола бошлади. Корхона раҳбарлари уларнинг билим олишлари учун мадад беришарди. Шундай қилиб, Тинчивой Пўлатов 1977 йили ишчи-ёшлар кечки ўрта мактабини ташкил этди. Ўша йили унга 280 ишчи қабул қилинди. Ёзги таътилда ҳам улар ўқишга жалб этиларди. Йиллар ўтгани сайин мактаб ҳам ҳар томонлама мустаҳкамланиб борди.

Янгиликнинг қаноти бор. Тинчивойнинг бу ташаббуси вилоятларга парвоз қилди. Ҳамма жойда кечки ишчи-ёшлар мактаби иш бошлади.

Йиллар ўтгани сайин марказдан бошланган бюрократик, порахўрлик касали кечки мактаблар илдизига болта урди. Кўпчилик мактаб раҳбарлари ажратилган давлат маблағларини ўзлаштиришга киришгандилар. Очилмаган синфлар учун ортиқча пул олиш, қурилиш материалларини талон-тарож қилиш

оммавий тус олди. Ички органлар енг шимариб ишга киришди. Текшириш, комиссия устига комиссия. Пўлатов мактабини ҳам шундай қилишди. Ўша йили комиссия ўқишни битириб кетган 113 ёш ишчини ҳам чийриқдан ўтказди. Лекин бирор бир нуқсон топишолмади.

Тинчивой кўзлаган мақсадидан қайтмасди. 1977 йили уни мактабга директор этиб тайинлашди. Шунда собиқ директор аламли оҳангда Тинчивойга деди:

— Агар бу ерда бир йил директорлик қилсанг, отимни бошқа қўяман. Безори болалар билан ишлаб бўпсан!..

Тўғрисини айтганда, кейинги 10—15 йил ичида ёшлар кечки мактаб таълим ва тарбиясига шубҳа билан қарайдиган бўлиб қолишганди. Уларда қизиқиш сўнган эди. Сабаби — раҳбар ва ўқитувчи-мастерларнинг совуққонлиги. Аммо Тинчивой бундайлардан эмас. У ўз мактаби муаммоларини ечиш, уни янги изга солиш учун тинчимаслиги зарур.

Унинг тиними йўқ, ҳаловати ҳам. Бошқа республикаларда кечки мактаб ишлари қандай экан? Уларнинг тажрибаларини ўрганмоқ керак!

1987 йил. Тошкентдаги 20, 27, 37, 45, 47-кечки ишчи ёшлар мактаблари директорлари собиқ Иттифоқ республикаларининг кўпгина шаҳарларига йўл олишди. Улар сафида Тинчивой Пўлатов ҳам бор. Касбдошлар Москва, Ленинград, Рига, Одесса, Николаев сингари шаҳарларда бўлишди. Кечки ишчи-ёшлар мактаблари ҳаёти билан обдон танишдилар, раҳбар ва мутахассислар билан мулоқотда бўлишди. Тажриба ўрганишдан мақсад қардошларнинг таълимий қурилмаси ва услубиятини айнан такрорлаш эмас, балки ўша қурилмаларнинг қандай янгилик бериши, қандай ишлаганлиги, жамиятга қанчалик фойда келтиришини билиш ва уларга ижодий ёндашиш эди.

Ригаликларнинг модели Пўлатовга ёқмади. Нега? 12-синфни тамомлаганлар черковга бориб ишлар, унга чўқинишар экан. Аммо ўқувчиларнинг 5—7-синфда сараланиши, айрим заводларда мустақил цехлар очиб, 4 соат ишлаши, яъни илм ва амалиёт омухталиги — янгилик. Демак, ёшларни касбга қизиқтириш бор. Ленинград илмий-текшириш институти эса одамлардан яхши ғояларни йиғиб оладию, уни амалга оширишга қолганда... Улар ён дафтарларига кўп нарсаларни битиб қайтишди.

### ҚАНОТЛАР

Беш мактаб директори охири бир хулосага келди. Кечки ишчи-ёшлар таълимини ҳуқуқий асосга кўчириш зарур. Бунинг учун катталар тизими намунавий марказларини ташкил этиш шарт. Марказнинг намунавий низоми ва ўқув дастурларини обдон тузиб чиқиш — давр талаби! Уларнинг бу ғояларини республика Халқ таълими вазирлиги маъқуллади.

Ниҳоят Тинчивой Пўлатовнинг фикрида чигаллашиб ётган тугунлар очилди. Кечки мактаблар таълими учун ҳар томонлама пишиқ-пухта катталар таълими марказининг намунавий Низоми ва ўқув дастурлари режаси ишлаб чиқилди ҳамда уни қай йўсинда амалга ошириш белгилаб олинди. Тинчивойнинг мактаби миллий касбдаги кадрлар, яъни маҳаллий кадрлар тайёрлайдиган бўлди. Улар фақат ўзбек аёлларидан ташкил топди. Қолган мактаблар эса оврупо тизимига мослашган кадрлар тайёрлашга мослаштирилди. Тошкент шаҳар ижроқўми ва шаҳар халқ таълими бош бошқармаси эксперт комиссияси кечки мактаблар таълим тизими ва йўналишларини ўрганиб чиқиб шундай хулосага келган эдилар. Албатта бу янгиликни ишлаб чиқиб амалга ошириш осон бўлмади, кадрлар танлаш, таълим ва тарбия орасидаги кемтиклар, моддий база, ўзбек хотин-қизларини касб-ҳунар ва миллийликка йўналтиришнинг ўзи бўлармиди? Бу оғир, масъулиятли ишни Тинчивой бошлиқ педагогик ишчи жамоаси уддалаши шарт. Тинчивой сира иккиланмасди, чунки мақсадлар аниқ, юраклар ёниқ. Ютуқлар эса олдинда.

Мактаб ишлари истиқлолга юз тута бошлади. Жамоа аниқ фанлар ўқитувчилари, кенг профилли мутахассислар билан мустаҳкамланиб борди. Касбу ҳунар ва билим профиллари кенгайтирилди. Ўқувчиларнинг касбу ҳунар эгаллашга бўлган қизиқишлари ортди. Гуруҳларда хотин-қиз талабалар сони йил сайин орта борди. Кейинчалик қабул қоидалари ҳам янгиланди. Мактабга қабул танлов йўли билан ўтказилди. Агар 1987 йили бир ўринга 4—6 киши ҳужжат топширган бўлса, кейинги йилларда бундай рақамлар кетига рақамлар қўшилди. Ўтган беш йил ичида мактабни 986 ўқувчи битириб чиқди. Шундан 693 бошланғич синфлар учун ўқитувчи, боғча тарбиячиси, кичик ҳамшира, болалар боғчаси ошпази, технолог бўлиб етишди. Уларга мутахассисликлари бўйича ҳужжат берилди. Булар миллий мактаб одимлари, миллий қадриятларимиз, миллий маданиятимизни қайта тиклашга, уни ривожлантиришга хизмат қилмояптими, ахир?

Танланган йўлда қатор ижобий натижаларга эришилди. Эндиликда кечки мактабни жамоасини коллежга айлантириш учун моддий база ҳам, шароит ҳам етилди. Беш йиллик илғор тажриба шуни тасдиқлади. Бу нурхонага қабул қилиш шартномавий асосга қурилди кейинги йилларда. Турли ташкилотлар мактаб ҳисобига маблағ ўтказади. Тушумларнинг 20 фоизи давлатга, 10 фоизи жамоа эҳтиёжлари учун. Бундан икки-уч йил илгари мактаб ҳисобига юз минг сўм маблағ келиб тушган бўлса, эндиликда бу рақам тўрт марта кўпайди. Демак, моддий манфаатдорлик ҳам, база ҳам мустаҳкам. Тегишли ташкилотлар мактаб ҳаётини обдон ўрганиб чиқиб, коллежга айлантириш ҳақида бир фикрга келди. Ниҳоят Тинчивойнинг яна бир яхши нияти нурланди — мактаб кечки миллий педагогик коллежга айлантирилди.

### ФИКРЛАР ЧАҚМОҒИ

Унинг фикрлари пишиб етилганди. Кечки миллий педагогик коллеж ёшларнинг ўрта умумий муассасаси бўлиши шарт. Шундай қилинганда ёшлар ўзлари қизиққан олийгоҳларнинг 1—2 курсларига имтиҳонсиз қабул қилиниши мумкин. Турли ёшга мансуб бўлганларни бошланғич таълимда ўқитадиган ва тарбиялайдиган гувернантларни тайёрлаш учун ўқувчиларни қабул қилишни йўлга қўйиш лозим. Ўрта умумтаълим мактаблари бошланғич синфлар учун тўгарак раҳбарлари сув билан ҳаводай зарур. Улар халқ амалий санъати — ганч, ёғоч, чарм ўймакорлиги, нақш солишни йўлга қўйишади. Демак, меҳнат таълими мутахассислиги тайёрлаш ҳам коллеж учун зарур. Рус мактаблари бошланғич синфлари учун ўзбек тилидан дарс берувчи муаллимлар тайёрлаш нега четда қолиши керак?

Коллежнинг ўз илмий-услубий кенгаши, албатта шарт. Бундай кенгаш унга илмий раҳбарлик қилади-ку. Бундай кенгаш коллежнинг амалий ва назарий ўқитувчилари, мутахассислар, руҳшунос, имтиҳонларда қатнашувчи олийгоҳ педагогик илмий-текшириш билимгоҳи, шаҳар халқ ҳокимияти таълими бош бошқармаси, шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти муаллимларидан ташкил этилса-чи? Коллежда олийгоҳларнинг кафедралари ва коллеж ўқитувчиларидан ташкил топади!

Янги нурхонанинг ягона мақсади собиқ совет ҳокимияти йилларида топталган, йўқотилган ўзбек миллий қадриятларини тиклаш, шахснинг маънавий камол топишини ривожлантириш. Ўқувчиларга ўрта маълумот олишга ва педагогик касбга йўналтириш, илмий ишлашга ўргатиш, ўзлари танлаган соҳа ва касблари бўйича билим ҳамда таълим олишларини таъминлаш муҳим вазифа. Шундай бўлгач, иқтидорли ва касбга фидойиларни қўллаб-қувватлаш ва шу йўл билан ижодий педагогик жамоани шакллантириш мумкин.

Энди коллежга ўқувчилар қабул қилиш ва уни тамомлаш қандай бўлиши керак? Унга ўрта умумтаълим мактабларининг 8—9-синфларини битирган, ўзлари танлаган касблари бўйича танлов синовидан ўтган ёшлар қабул қилинса, айни муддао. Уни битирувчилар пухта ва чуқур билимга эга бўлишлари, уни ишлаб чиқаришга жорий этишлари, ишни ташкил қилишлари, маънавий пок ва инсонпарвар бўлишлари шарт. Ўқув-тарбия ишларини ташкил қилишда турли усул ва воситалардан фойдаланилади.

### ТАЪЛИМИЙ ТИЗИМЛАР

Тажриба ўқув режасига кўра, миллий педагогик коллеж уч босқичдан иборат. Биринчи босқич —9-синф кичик коллежи. Унда ўқувчилар кейинги босқичга танлов асосида ўтказилади. Иккинчи босқич — ўрта коллеж. Ёшларга ўрта мактабни битирганлиги ҳақида диплом берилади. Учинчи босқич — юқори коллеж бўлиб, унда ўрта маълумотга эга бўлган ёшлар қабул қилинади. Болаларнинг ўқиш муддати танлаган мутахассислигига қараб икки-уч йилга мўлжалланган.

Директор коллеж илмий бўлим мудири Замира Мўминова ва илмий-педагогик жамоанинг маслаҳатларига таяниб тажриба-ўқув режасини ишлаб чиқиб, амалга оширди. Дарслар, консультациялар, факультатив машғулотлар учун мўлжалланган соатлар беш ўқув кунига тақсимланган. Ўқув муддати уч йил бўлган синфларда 6 семестр, икки йил бўлганларга 4 семестрга бўлинган. Коллежда махсус фанлар бўйича синов ўтказиш йўлга қўйилди, синовлар алоҳида ажратилган соатларда ўтказилмоқда. Синовларга фанлар бўйича амалий лаборатория ва контрол ишларни бажарган ўқувчиларгина қўйилади. Синовлар ёзма, оғзаки ва тест асосида ўтказилмоқда. Рус тили ва адабиёти, шунингдек хорижий тиллар машғулотлари икки гуруҳга бўлиб ўқитилмоқда.

Машғулот жараёнида ўқитувчининг эрки ва ҳуқуқи чегараланмаган. Масалан, Ўзбекистон тарихи ўқитилаётганда муаллим ўқувчиларнинг истак ва хоҳишларига қараб иш кўриши мумкин. Унга режада кўрсатилган дарс ҳисобидан ўз режасини ўзгартириш ҳуқуқи берилган.

Факультатив машғулотлар ҳам ўқувчиларнинг чуқур билим олишлари учун катта аҳамиятга эга. Бунинг учун ҳам махсус дарс соатлари ажратилган.

Коллежда бир қанча соҳалар бўйича етук миллий мутахассислар тайёрлаш кўзда тутилган. Болалар боғчаси тарбиячилари тайёрлаш бўйича тажриба-ўқув режаси тўрт йилга мўлжалланган. Бу гуруҳда умумий ўрта таълим фанлари қаторига нутқ маданияти ва эски ўзбек ёзуви ҳам ўтилади. Бундан ташқари, махсус туркум услубиятлари жорий қилинган. Бунда мусиқа услубияти, болалар руҳшунослиги, мактабгача болалар педагогикаси, боғча болаларини табиат билан таништириш, уларни элементар математика билан таништириш сингари соҳалар бўйича ўқувчиларга амалий сабоқ ва билим берилмоқда.

Болаларни меҳнатга тайёрлаш бошланғич синфдан асос солинади. Пўлатов бу масалани ҳам тажриба режасига киритган. Ўқувчилар уч йил давомида умумий фанлар билан бир қаторда халқ амалий санъати, безаш санъати, махсус фанлар борасида эса тикиш технологияси асослари, халқ амалий каштачилиги, бадиий тўқиш санъати, ошпазлик, қандолатчилик ва тайёрлаш технологияси, бошланғич синфларда ўқитиш услубияти соҳаларининг ўзига хос хусусиятлари бўйича назарий ва амалий билим оладилар.

Бу ерда умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида халқ амалий санъатидан дарс берувчи ўқитувчилар ва тўгарак раҳбарларини тайёрлаш услубияти ҳам синаб кўрилмоқда. Шунингдек, бошланғич синф бўйича гувернантлар — ўқитувчи, тарбиячилар тайёрлаш тажрибаси ўқув режасидан жой олган. Эски ўзбек ёзуви бўйича бошланғич синф ўқитувчилари тайёрлаш ҳам тажриба ўқув режасига киритилди, бу соҳа бўйича икки йиллик синф ташкил этилди. Иқтисодчи менежерларни тайёрлаш синовдан ўтказила бошланди.

Ўқувчилар эндиликда сиёсий иқтисод, халқаро менежмет ва бизнес, ишбилармонлик фаолиятига кириш, компьютер техникаси, хўжалик қонуншунослиги, машинкада ишлаш ва иш юритиш, бозор иқтисодиёти ва уни тўғри танлаш, бухгалтерия ва банк ҳужжатларини юритиш, ишбилармонлик фаолиятининг фалсафаси, маркетинг, хўжалик ишларида конкуренция ва конъюктура, шахс ва жамоа руҳияти, хўжалик юритиш самарадорлигини ошириш сингари махсус фанларни ўқиб ўрганяптилар.

Коллежда руҳшунос ўқитувчи илғор тажрибаларни ўрганиш ва уни тарғиб этишда директор ўринбосари ҳисобланади. Жамоани коллегиал бошқариш билан педагогик кенгаш шуғулланади. Унинг раҳбари Пўлатов. Педагогик кенгаш коллеж ички ишлари, ўқув-тарбия ишлари, синфдан ташқари ишлар масаласини кўриб чиқиб, уни илмий-услубий кенгашга тақдим этади.

Фан ўқитувчилари коллеж куллиётларига уюшган. Куллиётлар эса услубий ва амалий тавсияномалар, дидактик ва тарқатма материалларни ишлаб чиқиб, таълимга тадбиқ этмоқда.

Таълим жараёни ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқаришга йўналтирилганлиги бежиз эмас. Ҳар бир синфда ишбоши мавжуд. Ишбошилар кенгаши тузилган. Ўқувчиларнинг дарсга қатнашиши, билими, хулқи авваламбор шу кенгашда кўриб чиқилади, сўнг, лозим топилса, бу масала коллеж педагогик кенгашига тақдим этилади.

Ўқитувчи ва фан мутахассисларини танлаш ва уларни жой-жойига қўйишда Пўлатов янгича йўл тутмоқда. Ҳар томонлама синовдан ўтган маҳоратли педагогларга асосий маошидан ташқари 15 фоиз оширилган маош тўланмоқда. Тълим-тарбияни илмий-амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида олий ўқув юртлари жамоалари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Фан номзодлари, профессорлар ҳам бу ерда баъзи фанлар бўйича дарс беришади. Низомий номли давлат педагогика институтидан нутқ ўстириш бўйича Муқаддас Ғайбуллаева, медицина билимлари соҳасида Абу Али ибн Сино номидаги медицина институтидан, Гулчеҳра Абдураҳимова, ЁТТдан нутқ маданияти бўйича артист Эргаш Раимов сингарилар шулар жумласидандир.

Ўқувчиларни қабул қилишда ҳам янгилик жорий этилган. Иншо олиш усули ўзини оқламади, чунки кўпинча китобдан кўчирилади. Пўлатов шуни ҳисобга олиб, қабул жараёнида диктант олишни татбиқ этди. Бунда ҳеч ким ҳеч нарсадан кўчиролмайди, натижада эса объектив манзара намоён бўлади.

Бу йилги танловда коллежга 1376 та ҳужжат топширилди. Диктант ва суҳбат натижалари бўйича 346 ўқувчи қабул қилинди. Диктантдан юқори баҳо олган 27 ўқувчи ўзлари танлаган мутахассислик бўйича суҳбатдан ўтолмади.

— Лекин,— дейди Тинчивой Пўлатов,— бизга синовлардан йиқилган ўқувчилардан иккинчи марта синов олиш ҳуқуқи берилган. Ахир бола қанчалик билимли бўлмасин, тасодиф рўй бериши ҳам мумкин-ку!..

Шу ўринда характерли фактни келтириш ўринли бўлса керак. Бу ерда 1988—1989 ўқув йилида синовлардан 192 киши, имтиҳонлардан эса 157 ўқувчи қайта-қайта топшириб

синфдан-синфга ўтди. Кейинги ўқув йилида эса 126 ўқувчи синовни ва 101 киши имтиҳонни бир неча бор топширди. Улар миллий ўрта ҳунар билим даргоҳини муваффақиятли тамомлаб ишлаб чиқаришда ўз ўринларини топишди. Агар Пўлатов ўқувчиларга меҳрибон бўлмаганида борми, балки, улар ўқишни тарк этиб, ҳаётда қоқилармиди...

— Коллежимизнинг муаммо ва эҳтиёжлари йўқ эмас,— сўзида давом этди у.— Ҳали ҳунар-техника миллий коллежлари учун махсус дарслик ва ўқув қўлланмалари нашр этилмаган. Тангликдан чиқиш йўлларини излаяпмиз. Ўзимиздан ҳам тажрибали мутахассислар етишиб чиқмоқда. Жумладан, билимдон ўқитувчиларимиздан Шарифа Рустамова, Муҳаббат Юсупова, Маъмура Турсунхўжаевалар болалар адабиёти, мактабгача болалар педагогикаси, миллий дарслик ва қўлланмалари яратиш устида ишлашмоқда. Элементар математикадан машғулотлар дастури нашрдан чиқиш арафасида. Демак, ўқитувчиларимиз изланишяпти, янгиликлар қилишяпти. Бундайлар билан фахрланамиз...

Миллий коллежни янада мустаҳкамлаш унинг моддий базасини яратишга боғлиқ. Пўлатов бу жумбоқни ҳам ечиш йўлларини излади. Айни кунда катталар таълими миллий маркази жамғармасини тузиш ишлари охирига етди. Унга шартнома асосида турли ташкилотлардан маблағлар келиб тушмоқда. Бу нарса илм-касб даргоҳида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, таълим ва тарбия тизимлари сифатини оширишга, янгиликларни жорий қилишга хизмат қилади.

Мазкур миллий педагогик коллеж, имонимиз комил, ҳали янгидан-янги қувончли ютуқларга эришади. Ўзгача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки у ерда ташкилотчи, ташаббускор, тинчимас Тинчивой Пўлатов раҳбар бўлиб турибди. Унинг ҳалқ таълимини ривожлантиришдаги катта хизматлари муносиб тақдирланган Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, Жумҳуриятда хизмат кўрсатган халқ таълими ходим, бир қанча фахрий ёрлиқлар эгаси у.

... Томчида қуёш акс этади. Шабнамдай покиза томчи ўз ўрнини топса бўлгани. Ирмоқлардан дарёлар, дарёлардан уммонлар ҳосил бўлганидек, Тинчивойнинг изланишларидан буюк эзгуликлар туғилади.

**Ашурали АҲМАД ўғли,**
**Маҳкам ҚУЧҚОРОВ.**



Суратларни Х. МИРЗАКАРИМОВ олган.

*Иқтидорли болалар даврасида*

# МУРОДЖОННИНГ ҲОМИЙЛАРИ

Биз кўпинча газета ва журнал саҳифаларида 13 — 14 яшар болалар институт ёки университет студенти эканлиги ҳақидаги хабарларни ҳайрат билан ўқиганмиз. Юртимиздан ана шундай истеъдод эгалари чиқишини ҳам орзу қилганмиз.

Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллик байрами арафасида Тошкентдаги 84-мактабнинг 6-синф ўқувчиси, тўққиз яшар Мурод Мирзо Шарифжон ўғлининг Ўзбекистон Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовга мактуби ва Президентнинг матбуотда эълон қилинган жавоб хатидан кўпчилик хабардор бўлса керак.

Матбуот, радио ва телевидениеда Муроджоннинг оиласида Президент девони масъул ходими Муҳаммаджон Раҳмонов «Наврўз» Республика хайрия жамғармаси совғаларини, Президент мактуби ва дастхати ёзилган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобини топширгани, унинг Республика мустақиллигининг бир йиллик байрамида иштироки кенг ёритилди.

Талантлар халқ мулки, унинг келажаги. Шунинг учун иқтидорли болаларни аниқлаш, уларни асраб-авайлашга ҳукумат раҳбарлари, қолаверса, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ва бошқа муассасалар алоҳида эътибор бераётирлар. Қобилиятли болаларни тарбиялаш мақсадида Президентимиз фармони билан Улуғбек номидаги иқтидорли болалар Республика жамғармаси таъсис этилган эди. Ана шу жамғарма қарорига кўра Муроджонга ойига 1000 сўмдан стипендия тайинланди.

Биз куни кеча Муроджон ўқийдиган мактабда яна катта бир хайрли ишнинг гувоҳи бўлдик. Муроджон таълим олаётган математикага йўналтирилган 6-«Б» синфининг ҳомийси, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги таъминот Бош бошқармаси бошлиғи Баҳодир Ҳамидов мактабга ўқув қуроллари, мебель ва бошқа жиҳозларни топширди. Умумий қиймати 90 минг сўмдан ортиқ жиҳозлар орасида кадаскоп, фильмоскоп, масофадан бошқариш аппарати, математика ва инглиз тилидан кўргазмали қуроллар бор.

Баҳодир Ҳамидов совғани топширар экан, «Муроджон сингари қобилиятли болалар учун маблағни аямаймиз. Мактабнинг айрим таъмирталаб ишларида ҳам ёрдам кўрсатамиз», — деди.

Тўққиз яшар боланинг қандай қилиб олтинчи синфда ўқиётгани ҳаммани қизиқтирса керак. Ўқувчининг Президентга мактубида шундай сатрлар бор: «Мен ҳақимда билмоқчи бўлсангиз, эндигина тўққиз ёшга тўлдим, лекин олтинчи синфда ўқийман. 1989 йили Тошкент шаҳридаги 84-мактабнинг биринчи синфига ўқишга бордим, яхши ўқиганим учун мени учинчи синфга кўчиришди. 1991 йилда эса учинчи синфдан бешинчи синфга ўтдим».

Мактаб директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Мирҳамид Мираҳмедов шундай ҳикоя қилади: «1-синф ўқитувчиси Коммуна Аҳмедова бир куни ҳузуримга келиб Муроджон синфдошларидан анча илгарилаб кетганлигини, «Алифбе» у ёқда турсин «Ўқиш китоби»ни ҳам шариллатиб ўқиши, равон ҳикоя қилиб беришини, математикадан зукколигини айтди ва учинчи синфга кўчиришни таклиф этди. Кўпчилик бўлиб текшириб кўрдик ва таклифни маъқулладик. Ўқувчининг онаси Турсуной опа дастлаб хавотирландилар. Қийналиб қолади деб ўйладилар, чамамда. Муроджон учинчи синф ўқув материалларини осонлик билан ўзлаштирди. Натижада яна бир сакраш қилди — учинчи синфдан бешинчи синфга кўчирилди. Ҳозир 6-синфда аъло баҳолар билан ўқимоқда».

Мактабга ҳомийлар туҳфаси топширилиши муносабати билан 6-«Б» синф ўқувчиларининг ота-оналари мажлислар залига тўпланишди. Муроджоннинг онаси кўп йиллик танишимиз, Халқ таълими вазирлиги методисти Турсуной Абдуллаева эканлигидан беҳад қувондик. Фарзандининг шунчалик эл назарига тушганлиги билан қутладик. Унинг мактабга келмасданоқ ўқишёзишни қандай ўрганиб олгани билан қизиқдик.

Айтишларича, Муроджон жуда зийрак, ҳар нарсага қизиқувчан экан. Бир қиз, уч ўғил тарбияланаётган оиланинг кенжаси ака ва опаларининг китобларини варақлаб, телевизор экранларидаги ёзувларга қараб ўқиш-ёзишни тезда эгаллаб олган экан.



Муроджон жуда вазмин, камсухан, лекин зукко бола эканлиги кўзларидан яққол сезилиб турибди. У Шайхонтоҳур район ўқувчилар уйида компьютер тўгарагига қатнашаркан. Тўгарак раҳбари Эркинжон Имонохуновдан сабоқ олаётганини айтди у.

Турсуной Абдуллаева фарзандининг келгусида иқтисодчи касбини эгаллаши ҳақидаги орзусини рўёбга чиқариш учун физика, математика, инглиз тили фанларидан ўқитувчилар ёллаганлигини гапириб берди.

Синфдаги дарслар билан қифояланмай иштиёқ билан қўшимча сабоқ олаётган Муроджон яна бир синов олдида турибди. Мактаб илмий бўлим мудири Асқар Исмоилов, 6-«Б» синф раҳбари Дилобар Убайдуллаевалар, мактаб жамоаси ўқув йилининг иккинчи ярмида тест йўли билан синов ўтказиб, иқтидорли болаларни 7-синфга кўчириш ниятида эканликларини айтишди. Муроджон бу синовдан ҳам муваффақиятли ўтса ажаб эмас.

Жуда яхши анъаналарга эга бўлган Садриддин Айний номли 84-мактабдан қайтарканман, Президентимиз Ислом Каримовнинг жавоб мактубидаги қуйидаги сатрлар ёдимга тушди: «Муроджон Сен эришилган натижалар билан кифояланиб қолмаслигингга, мактаб дарсларини бундан буён ҳам чуқур билиб боришингга, дунёга Улуғбек, Абу Али ибн Сино, Ал-Беруний, Ал-Хоразмий каби ва бошқа ажойиб олим, мутафаккирларнинг ёрқин намояндаларини етиштириб берган гўзал ўлкамиз ва унинг халқи тарихини ўрганишингга ишончим комил».

Ҳа, донишмандлар айтганидек, пўлат ўтда, инсон меҳнатда тобланади. Туғма қобилият эгаси эса эл-юрт ардоғида камолот пиллапояларидан юксакликка кўтарилади деб умид қиламиз.

**Ғафур МАННОПОВ.**

**Р. АЛЬБЕКОВ** сурати.

# ТЕСТ БАҲОЛАЙДИ

Ҳозирда таълим жараёнига тест асосида синовлар ўтказиш жадаллик билан кириб келмоқда. Олий ўқув юртларига бу йилги қабулнинг ҳам шу тарзда кечиши илгаригиларига қараганда, анча ҳаққоний натижани берганга ўхшайди. Мазкур хулосалардан сўнг, халқ таълимига қарашли илм масканларида ҳам битирув итмиҳонлари ҳамда олимпиадаларни шу асосда олиб бориш маъқул топилди.

Аввало, янги тартибни жорий этишдан олдин, унинг мазмуни, ташкилий томонлари ҳақида мутасадди шахсларга тушунча бериш мақсадида 3—4 декабрь кунлари РЎММда илмий-назарий машғулот ўтказилди. Вилоятлардан келган вакиллар руҳшуносларнинг, бевосита тест саволларини тузишда иштирок этган мутахассисларнинг бу тадбирни ўтказишда қилиниши лозим бўлган ишлар ҳақидаги маърузаларини тинглашди. Сўнгра, Шайхонтоҳур районидаги 40-мактабда ўтказилган амалий машғулотлар давомида, уларда янада мухтасарроқ тушунча ҳосил бўлди.

Бу ўқув йилида ихтиёрий равишда хоҳлаган вилоятлар олимпиада ва битириш имтиҳонларини тест синовлари тариқасида ўтказиши мумкин. Масъул кишиларнинг айтишича, яқин йилларда 5-синфдан бошлаб синфдан-синфга кўчириш имтиҳонлари ҳам шу асосда бўлиши кутилмоқда.

**А. РАҲИМОВ.**

*Нафосат бўстони*

# ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН

Маълумки, ҳунармандчилик яхши ривожланган жойларда қадимдан тараққий этган каштачилик халқ ижодининг энг оммавий шакли бўлиб келган. Хотин-қизлар ҳунари ҳисобланган ажойиб ўзбек каштачилигининг археологик қазилмалар, ёзма манбалар, мавжуд кашта нақши безаклари, музейлар ва коллекционерларда сақланиб келаётган намуналарига кўра қадимдан мавжуд эканлиги ҳаммага маълум. Ҳозиргача ўз ҳуснини йўқотмаган ўзбек халқи турмушида кенг қўлланилаётган кашта буюмлари, уй деворларида чаманзорни эслатувчи зардевор ва сўзаналар, тахмондаги кўрпа-ёстиқлар ва улар устига ёпиладиган чойшабларнинг жилвали кашта гул безаклари дилларни қувонтиради. Айниқса, чинни чойнак, пиёлалар, патнис, сопол лагантовоқларнинг гуллари кашта гулларига монанд бўлиб, бир-бирини гўзалликка чорлаётгандек бўлади...

Бундан 20—25 йил олдинги вақтларни жуда яхши эслайман. Янги турмуш қурган ёшлар хонаси ниҳоятда яхши тикиб безатилган кашта буюмлари билан ясатилиб, игна қадайдиган жой ҳам топилмас эди. Бир-биридан чиройли кўринган кашта гул безакларидан завқланар эдик. Каштачилик кишиларга завқ бағишлабгина қолмасдан, балки асрлар давомида шаклланган расм-русумларимизга айланиб, халқ орасида кенг тарқалган эди. Тўйларга атаб тикилган кашталар қиз сепининг асосий қисмини ташкил этиб, улар 5—6 та сўзана, 10—12 та қош ёстиқ, турли гулдасталарни тайёрламагунча кўнгиллари тинчимаган. Жамоа-жамоа бўлишиб, ярим тунгача ўтиришиб кашта тикканлар. Нафис кашта яратувчилари ҳисобланмиш хотин-қизлар ўз санъатини авлоддан-авлодга ўтказиб, ривожлантириб келганлар. Улар ўзларининг ижодий қобилиятларини кашталарда ифода этиб, фарзандларининг келажаги, бахти ҳақидаги орзу-умидларини, табиатга бўлган меҳр-муҳаббати, ҳиссиётларини акс эттирганлар. Чизмакаш аёлларга турли кашта гул безакларини чизиб, қизларини ёшликдан ҳунарга ўргатиш мақсадида кашта тикишга ундаганлар. Умуман, ўзбек халқи турмушида декоратив санъатнинг бошқа турларидан ҳам фойдаланилиб келинган бўлиб, доимий гўзалликка интилиш ва ундан таъсирланиш ҳалқ бадиий дидини шакллантиради.

Бугунги кунда қадимий каштачилик соҳасидаги меросимизга ижодий муносабатда бўлиб, ҳар бир халқ амалий санъатидаги иш тажрибаларини ўрганган ҳолда ўз миллий маданиятимизни ҳам бойитишимиз зарурдир. Афсуски, ҳозирги кунда ёшларимизнинг каштачилик санъатини эгаллашга доир қизиқишлари анчагина суст. Келинчакларнинг уйларида ҳам кашта буюмлари ниҳоятда камайиб кетаётганлиги сир эмас. Олдинги вақтларда машаққатли меҳнат билан табиий ипаклардан ип тайёрлаб кашта тикилган бўлса, ҳозирда эса мавжуд тайёр иплардан ҳам фойдаланилмаяпти. Нега шундай бўлаяпти? Ахир, каштачилик ҳам миллий санъатимиз дурдоналаридан бири эмасми? Афсуски, буни ҳанузгача кўпчилик ёшларимиз онгига сингдира олмаётганганга ўхшаймиз.

Кашта тикиш ҳам ижодий иш бўлиб, кишини нафосат оламига олиб кириш да муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам, каштачилик санъати ҳамма жойда кенг тарқалган ҳолда қизларнинг асосий севимли ишларидан бири бўлиб қолиши керак.

Бу борада жумҳурият ўқувчилар саройида Саодат Азимова раҳбарлигидаги каштачилик тўгарагининг ўқув-тарбия ишлари жуда яхши йўлга қўйилганлигини ибрат тариқасида келтириш мумкин. Худди шундай тўгараклардан Тошкент шаҳар болалар ва ўсмирлар ижодиёт маркази, Тошкент шаҳридаги Ҳаким Мусаев номли 38-мактаб, Қашқадарё вилояти Китоб ноҳияси, Варганза қишлоғидаги Зебуннисо номли 35-ўрта мактабда, Тошкент шаҳридаги 28-мактаб, Малик Мажидов номли 82-мактаб ва шунга ўхшаш кўпгина мактаб, мактабдан ташқари муассасаларда каштачилик тўгаракларини ташкил этилиб, уларда ёшлар турмушимизда қўлланиладиган буюмлардан: рўмолча, дастурхон, ошхона фартуғи, сумка, сочиқ, ёстиқ жилди, буғжома, сўзана, жойнамоз, зардевор, дўппи, қўйлак, белбоғлар ва турли шаклдаги панноларни безатишга ўргатилмоқда. Бу ишни янада ривожлантириш учун тўгараклар ишларини жонлантириш ва илғор тажрибаларни кенг оммалаштириш зарур.

Хуллас, ёшларимизнинг йўқолиб бораётган миллий касб-ҳунарларимизга бўлган мойиллигини қайта тиклашимиз ва уларга халқимизнинг нафис каштачилик санъатини ўргатишимиз лозим. Бу борада ота-оналар ва кенг жамоатчилик миллий, тарихий ва маданий анъаналаримизни, хусусан, каштачиликни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратишда ҳамкор бўлади деган умиддамиз. Агар биз ёшлар ижоди учун тўлиқ шароит ярата олсак, жамиятимиз ривожи учун катта ҳисса қўшган бўламиз.

**О. ХУДОЕРОВА,**
**Т. Н. Қори-Ниёзий номли Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти илмий ходими.**

**СУРАТЛАРДА:** Қашқадарё вилояти Китоб тумани Варганза қишлоғидаги Зебуннисо номли 35-ўрта мактаб ўқувчиларининг ишларидан намуналар.

# НОРОЗИЛИККА ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ

«Маърифат» рўзномасининг 129-сонидаги «Аттестация муаммолари» рукни билан берилган «Қадримга йиғлайман» мақоласини ўқиб, мен ҳам ўз фикрларимни билдиришга жазм қилдим. Мақола муаллифи педагоглар кўнглидаги асосий гапларни тилга олган.

Дарҳақиқат, сиртдан ўқиётган ва 3—4 йиллик иш стажига эга бўлган ўқитувчи-тарбиячи билан 5—10 йил ишлаган олий маълумотли ўқитувчига бир хил тоифа бериш адолатданми? Тоифалаштиришнинг бизга «фойдаси» шу бўлдики, меҳнат шароити оддий мактаблардан қийин бўлгани учун қўшиб бериладиган 20 фоизли имтиёздан маҳрум бўлдик. Шунинг учун барча махсус мактаб-интернатлар ўқитувчилари тоифа кашфиётчиларидан «миннатдор» бўлиб юришибди. Айтмоқчиманки, «тоифа»лаштириш иложи борича тезроқ тугатилиши ва мақола муаллифи айтганидек, аввалги иш стажи, меҳнатига қараб иш ҳақи белгиланиши ва рағбатлантирилиши керак. Фикримча, шундагина кўпчилик маорифчиларнинг истаги рўёбга чиққан бўларди.

**У. БАКИРОВ,**
**Андижон вилояти Хўжаобод шаҳридаги 17-махсус мактаб-интернат директори.**

*Ахлоқ ва одоб мавзуида*

# ҲЕЧДАН КЎРА КЕЧ...

Оила — жамиятнинг энг кичик қисми. Фарзандлар — оила ўчоғининг кўзгуси. Оиланинг тафтли қучоғидан, меҳри дарё ота-онанинг кўрлик қалби, илиқ бағридан ибтидо олган тарбия йўриқлари куюнчак мураббийлар, жонфидо муаллимлар, билимдон устоду мударрислар, олиму шоирлар, адибу фозилларнинг серқирра фаолиятлари заминида шаклланиб қарор топади, юксак инсоний фазилат, эзгу хислат сифатида ҳар бир одамнинг қалбида, руҳида, хатти-ҳаракатида, сийратида, хилқатида намоён бўлади. Бинобарин, оила ва жамиятдаги ҳамоҳанглик, оила аъзолари билан жамият аъзолари ўртасидаги маънавий уйғунлик, қалбий яқинлик, руҳий созворлик кўп жиҳатдан ёш авлоднинг оила ўчоғида илк бор олган тарбиясига боғлиқдир. Фазлу камолдаги инсонга хос юксаклик, хислат-фазилатдаги нодирлик, хатти-ҳаракат ва хилқатдаги ўзига хос такрорланмаслик туғма эмас. У тасодифан қўлга киритилмайди ҳам. Улар ота-она, жамият, муайян шарт-шароит, атроф-муҳит таъсирида, кўриб-кузатиш, ўрганиш, амал қилиш жараёнида касб қилинади. Тарбиянинг мураккаб йўлига тўғри йўналтирилган ва уни муваффақият билан ўта олган ҳар бир бола улғайгач чин инсон, жамият кутган рисоладагидек одам бўлиб етишади. Шарқона тарбия йўриқлари худди ана шундай инсонни тарбиялашга тўла мувофиқ, сайқаллашган маънавий қадриятнинг сара намунасидир.

Афсуслар бўлсинки, сўнгги чорак кам бир асрлик давр ичида бу қадриятни атайин, онгли равишда хурофот, бидъат, ўтмиш сарқити саноб рад қилдик, оврупоча тарбия беришга кўр-кўрона, оқибатини ўйламай муккадан кетдик, байналмилал, қоришиқ, аллақандай омухта тарбия усулига тақлид қилдик, назарий пуч, амалий асоссиз, ўйлаб топилган, сохта «коммунистик ахлоқ нормаси»га асосланиб иш кўрдик. Натижа шу бўлдики, асрий тарбия анъаналаримизга зарба бердик, маъқул тарбия йўриғини кашф қила олмадик, олақароқ бир тоифанинг шаклланишига, аросат бир тарбия усули қарор топишига сабаб бўлиб қолдик. Ҳамдардлик бефарқликка, тавфиқ бетавфиқликка, жўялик ножўяликка, мулойимлик даҳалликка, ширинсўзлик қўрслликка, юмшоқлик қўполликка, шафқат шафқатсизликка, меҳр бемеҳрликка, риоя меҳнсимасликка, андиша андишасизликка, ҳурмат ҳурматсизликка, шарм шармсизликка, ҳаё беҳаёликка, истиҳола истиҳоласизликка, диёнат диёнатсизликка, имон имонсизликка, ишонч ишончсизликка, чин ёлғонга, далил бўҳтонга, омонат хиёнатга, мардлик номардликка, зўравонлик жасоратга, парҳезкорлик қўрқоқликка, ўғрилик, қаллоблик, юлғичлик, найранг, ишбилармонлик, корчалонлик тадбиркорликка бадал бўлаётганлигини хаспўшлаш, бу кўнгилсиз ҳодисалардан кўз юмиш инсофдан бўлмас.

Гап қуруқ даъво бўлиб қолмаслиги учун бир ҳодисанинг қутбий қарама-қарши икки жиҳатини таҳлил қилиб, ақл тарозусига солайлик-да, холисаниллоҳ ҳукм чиқарайлик. Табиат инъом этган оналик меҳридек олий туйғу онани фарзанд учун ўзлигидан, ўз манфаатидан бир йўла воз кечишдек руҳоний ва жисмоний фидойиликка ҳам рози қилади. Онанинг ийган меҳридан боланинг баҳра олиб яйраши онага чексиз роҳат бахш этади. Жигарбандининг дийдорига маҳлиё бўлиб термулиш, умрининг олий армони ушалганлиги туйғуси онанинг кўнглини кўкларга кўтаради. Омадсиз, нобоп, ноқобил, ношуд фарзанд тақдири ташвиши ота-онага ҳазилакам азоб бермайди. Бу — азалий ва абадий қисматдир. Аммо ахлоқий таназзул, маънавий инқироз оқибатида бетавфиқлик иллатининг касофатига чалинганлар хатти-ҳаракати, феъл-атворида бу муқаддас инсоний сифат топталмоқда. Ўз бағир хунининг бир қатрасидан бино бўлиб жигарпарчаси сифатида ёруғ жаҳонга келган мурғагини ҳали жойларга (ҳожатхоналарга) ташлаб кетишлари, ахлат уюмларига кўмиб қўйишлари, сувларга оқизишлари, хилват бурчакларда, овлоқ ерларда қолдиришлари, туғилгани ҳамоно «юкидан қутилгани шукронасига» ундан тониб туғруқхоналарда қолдириб кетишлари, суяги қотиб оқ-қорани таниб қолган болаларини тап тортмай тирик етимликка маҳкум қилишдек ғайриинсоний қилиш-қилмишларнинг одатий тус олиб бораётганини гапиришга тил ҳам айланмайди. Ўткинчи ҳавасга муккасидан кетган, оний нафсоний ҳирс қурбонларининг жаннати норасидаларни жувонмарг, нобуд, руҳий ва маънавий мажруҳликка маҳкум қилаётганликларига лойиқ жазо тайиндир. Вақти-соати келиб ундайларни бу нонкўрликнинг уволи тутиши шубҳасиз. Инсон қиёфасидаги бундай иблис ва маҳлуқлар жаҳаннам ўтига маҳкумдирлар.

Чин инсоний сифатларнинг дарз кетиши, иззат-ҳурмат, риоя-андиша ҳиссининг ноқислиги, ота-оналар билан фарзандлар, туғишганлар, яқинлар ўрталаридаги оқибатсизлик, бурч туйғусининг ночорлиги, муомала-муносабатда одамийлик шевасининг танқислиги, шарқона иффат, ибо, ҳаё, орият, андиша патрати, бетавфиқлик, имонсизлик иллати маънавий қашшоқликнинг машъум белгиларига, асрий ахлоқий таомил йўриқларининг заволига айланиб бораётгандай гўё.

Фарзандлар ота-оналарини, кичиклар ўз опа ва акаларини оила доирасида ҳам, жамоат олдида ҳам сенсираб гапириши, аёлларнинг, айниқса, ҳали турмушга чиқмаган қизларнинг йиғин-меҳмондорчиликда эркаклар билан бир қаторда ўтириб чекибичишлари, ўзларини тийиқсиз тутишлари, оврўпоча башанглиқка таассуб қилиб ибосиз-ҳаёсиз, ярим яланғоч кийинишлари, каттага иззат, кичикка ҳурмат таомилининг ночорлиги каби нохуш, кўнгилсиз ҳодисалар, бефарқлик, тошбағирлик, қаҳри қаттиқлик каби салбий сифатлар кундалик жўн, оддий воқеликка айланиб қолаётир.

Ташвишлантирмаслиги мумкин бўлмаган яна бир масала ҳақида тўхталиб ўтмаслик мумкин эмас. Бу — башанг кийиниш, ортиқча ясан-тусан ва ўзига оро бермоқчи бўлиб керагидан ортиқ ранг-бўёқлар билан юз-кўз, қош-киприкларни чаплаш, сохта чирой касб этишдир. Табиийки, иложи ва имконияти йўқ пайтларда бизлар қила олмаган ва кўрмаганларимизни, шароит шунга мусоид қилибдими, ёшлар қилсинлар ва кўрсинлар. Ҳадеб уларни қойиб-вериш, бир қатор нарсалардан, хотинлардан юз-кўз, қўлларига турли упа-элик, ғоза, ўсма, хина каби пардоз-андоз ашёларини суртмаганликларидан осонликча ажратиб олганлар, фарқлаганлар. Эндиликда, бу асрий таомилимизнинг тагига ҳам сув кетди. Бўёқларни суиистеъмол қилиш қизларимизнинг оддий эрмакларига айланди. Бу нарсанинг мактаб ўқувчи қизлари орасида авж олиб кетганлиги жуда нохуш манзарадир. Мўътабар бувижонлар, муҳтарама она-опалар, мукаррама муаллималар бунга лоқайд, нописанд бўлмасликлари маслаҳат. Бевақт, бемаврид, эҳтиёжсиз сурилган бўёқ-сўёқлар табиат ёшларга инъом этган сўлимликни сўлғинликка айлантиришини табиий чиройга сунъий дахл қилиш номарғуб ясама кўркка олиб келишини, таранг юзларга жуда эрта ажин тушишига сабаб бўлишини ёшларга уқтириш мураббия ва муаллималарнинг зиммаларидаги бурчдир. Таъбир жоиз бўлса, бу «қиёфа экологияси» масаласига жиддий ёндашиш пайти аллақачонлар келган.

Таълим-тарбия ишларимиздаги мана шу ва шуларга ўхшаш қатор нуқсонлар кўнгилларни беҳаловат этмоқда. Бундай куфр ва ҳаддан ошиб кетишнинг асоратини осонликча бартараф қилиб бўлмайди. Унинг азобини ҳали анчайин тортамиз. Аммо, ҳечдан кўра кеч деганларидек, ҳануз ҳам ҳаммаси бой берилганича йўқ. Эс борида этакни ёпишга, бой бериб қўйёзганимиз аждодларимизнинг тарбия йўриқларини қайта жонлантириш, уларга тўлиқича амал қилишга ҳали ҳам кеч эмас. Бунинг учун улардан қолган меросни қунт билан ўрганмоқ ва ўргатмоқ, кундалик тарбия дастурига айлантирмоқ керак. Шарқона ақл-заковат дарслиги, ахлоқ-одоб низомномаси, таълим-тарбия таомилининг дастуриламали, маънавий камолот йўриғининг қомуси даражасида битилиб, аждодлар ҳаётий тажрибаларини ўзида мужассамлаштирган маънавий меросимиз беҳисобдир.

**Қ. КАРИМОВ,**
**филология фанлари номзоди.**

# «БУГУН МЕНИНГ ТУҒИЛГАН КУНИМ...»

Шоир ва журналист Эркин Неъмат ҳаёти ва ижоди ҳақида ушбу мақолани ёзиш ниятида сарлавҳа ўйлай бошладим. Унинг китобларини варақлаб ўтириб, ўсмирликда ёзган «Бугун менинг туғилган куним...» шеърига кўзим тушди-ю, ундаги бир сатрни сарлавҳа қилиб қўяқолдим. Шеърда шундай сатрлар бор:

Бахт тилайман она юрт, сенга,
Ҳаёт бердинг, онажон, менга.
Борлиғимни бергум халқимга,
Бугун менинг туғилган куним...»

Рости, бу шеър Эркин Неъмат ижодининг дастури экан. Катта ҳаёт остонасида турган ўсмир шоирнинг бадиий ташбеҳлари ҳали пишмаган бу шеъри 50-йилларнинг охирида ёзилган бўлиб, унда шоирнинг халққа, Ватанга бўлган фарзандлик муҳаббатининг ҳиссий садолари, дил изҳори бор эди. Шундан бери қанча сувлар оқиб ўтди. Эркин Неъмат ҳаёт уммонининг гоҳ шиддатли, гоҳ сокин тўлқинларида сузиб, шеириятга бўлган ҳавасини бир зум сўндирмай машқ қилаверди.

Қувонч деб билганим, сенмисан, ҳаёт!
Бахт деб тушунганим, сенмисан ҳаёт!
Йўқ, йўқ, излаганим булар ҳам эмас.
Менинг ҳам ўз йўлим бўлсайди шояд!..

Шоир излай-излай ўз йўлини топди. Қарабсизки, унинг юзлаб шеърлари дунё юзини кўрди, жажжи-жажжи китоблари чоп этилди. Эллик ёш остонасига қадам қўйган Эркин Неъмат ўн беш ёшидан бери шеър ёзади. Бугун унинг туғилган куни...

Эркин Неъмат Ургутнинг Кенагас қишлоғида, маърифатли деҳқон оиласида таваллуд топган.

Эркин Неъматнинг илк шеъри 1958 йилда матбуотда босилади. 1962 йилда республика ёш ёзувчилари семинарида унинг илк шеърлар тўплами муҳокама этилиб, нашрга тавсия қилинган эди. 1964 йилда «Гулдаста» альманахида қатор шеърлари чоп этилади. 1970 йил «Ошиқ булбул» тўплами дунё юзини кўрди. Шундан сўнг «Табиат минбари» (1980), «Алангадаги садо» (1984), «Замин қўнғироғи» (1990) тўпламлари ўқувчилар қўлига тегди.

Эркин Неъмат бир туркум шеърларида Ватан ва унинг тарихи билан ифтихор этиш туйғуларини сатрларга жойлайди. Шоир «Ўзбекнинг улуғлиги, Тарихга бўлуғлиги» дер экан, тарихга хиёнатни Ватанга хиёнат, номуссизлик, виждонсизлик деб билади:

Томирда ўз элининг
Оқмаса қони,
Ундайларнинг асло бўлмас
Номус — виждони...
Ўз дилимни дилим деб билдим,
Ва ақлимни йўлим деб билдим.
Ўз юртига хиёнатни мен,
Бевақт келган ўлим деб билдим.

Хўш, шоир нечук Ватанга хиёнатни бевақт келган ўлим, деб тушунади? Не сабабки, шоир «номус» ўзбекнинг улуғлиги, тарихга бўлуғлиги» ҳақида ўй суради? Бу ибораларда ўша 60-йилларда қизил мафкура тазъйиқи остида Ватанга, тарихга хиёнат, номуссизлик, виждонсизлик авж олганини эслатмаяптими? Ҳа, эслатаяпти! Ёш шоир қалбидан сизиб чиққан бу сатрлар унинг Ватанга, тарихга, хотирага бўлган улкан эътиқоди натижасида пайдо бўлган тўлғоқли туйғулари ифодаси эди:

Дўстим, тарихга боқсанг,
Сира бўяма уни
Фасллар ўзгарган чоғ
Бўёқ ўчар бир куни.

Шоир назарда тутган кунлар, мана, бугун келди: биз баъзи ўткинчи фасларда тарихимизнинг, хотирамизнинг юзига қора бўёқ чапладик! Фасллар ўзгарган чоқ эса бу қора бўёқлар ўчиб бормоқда! Бугунги мустақиллик кунларимизнинг муборак онларида тарихимиз, хотирамизнинг асл қиёфаси ўз рангида кўринмоқда...

Бундай шеърлар ўқувчини ҳаяжонлантиради, руҳий тиниқтиради, ҳиссиёт қўзғайди. Самарқанддаги университет таҳсили, бу кўҳна шаҳарнинг ҳар бир қарич ери тарихимиздан садо бериши Эркин Неъматга ҳам пайғомли илҳом берган бўлса не ажаб! «Боғи майдон», «Бибихоним», «Афросиёб», «Сиёҳдон» каби шеърлар мағзида ҳар ҳовуч тупроғи тарихнинг бир саҳифасидан ҳикоя қилувчи Самарқанд жобажо! Мана унинг «Сиёҳдон» шеъри:

Афросиёб бағридан,
Тупроқ қаъридан,
Чиқди сиёҳдон.
Кўнгиллар шод бўлди,
Аммо, баъзилар
Нечундир ҳайрон!

Хўш, Афросиёб қаъридан сиёҳдон чиқса баъзилар нега ҳайрон? Ҳайронликларнинг «сири» аён! Зотан, «Ўзбеклар ўтмишда саводсиз бўлган» дегувчиларнинг қамчиси зарбидан эсанкираб юрган кезларимиз эди, ўша маҳаллар. «Ўтмишда саводсиз бўлган халқ» бундан икки ярим минг йил аввал сиёҳдон ишлатган бўлса, қамчи эгалари ҳайрон бўлмай, ким ҳайрон бўлсин?!

Эркин Неъматнинг «Табиат минбари» (1980) деган тўпламига кирган шеърлари она табиатни асраб-авайлаш туйғулари акс садосидир. Хусусан «Япроқ», «Тилла юлдуз», «Она ер», «Бу — ўша табиат», «Қор», «Она заминга», «Оламни кузатаман» шеърларида шоир ҳаёт ҳодисаларини таҳлил этади, табиат ҳақида фалсафий мушоҳадалар юритади. Тўпламнинг «Табиат минбари» деб номланишининг ўзи ҳам бежиз эмас. Зеро, фан-техника тараққиёти туфайли она табиатга тажовуз қилинаётгани, бу эса маърифатли инсонларни ташвишга солаётганини шоир чуқур ҳис этади.

Ўзи яратувчи, бергувчи нажот
Бир томчи сув сабаб гўзалдир дунё.
Бу—ўша табиат — мунис онажон
Унинг тақдири ҳам сендадир Инсон!

Шоир наздида, Она Ер — замин ҳаёт манбаи. У ҳар битта жонга насиба улашади. Аммо кимнингдир қўлидан гуноҳ тўкилади. Шунда ҳам бегуноҳ Она Ер фарзандларига парвона, маъсум ва бардошли!

Эркин Неъмат фикрни фалсафий мушоҳада этувчи, бирор ташбеҳ воситасида фикрни ҳиссий тушунчага айлантирувчи шоир. Унинг наздида аввал Она ерни яна ўпади! Далаларга қўнаётган оққушлар каби оппоқ Қор диллардаги армон каби онамиз айтган аллаларни эсга солади.

Эркин Неъмат шеърларидаги фазилатлардан иккитаси — Ватан ва тарихдан ифтихор ҳамда табиатни асраб-авайлаш хусусида мухтасар сўзладик, холос. Шоир бир вақтлар «Ҳақиқат» деган шеър ёзган эди:

Осдилар уни дорга
Бўлмади...
Чопдилар қилич билан
Ўлмади...
Ташладилар оловга
Ёнмади...
Ўзлигидан ҳеч маҳал
Тонмади...
Ахир қилишди туҳмат,
Эзилди...
Ёлғизлиги ўшанда
Сезилди.

«Ҳақиқат» ибораси Эркин Неъматнинг аксарият шеърларида қўлланилади. Бунинг боиси кўплар қатори унинг ҳам ҳаётдан «ҳақиқат» излаб юришидан, ҳамиша «ўз ҳақиқатига» амал қилишидан бўлса керак. У Ўзбек Қомуси таҳририятида ўн йил мобайнида «Адабиёт ва санъат, фольклор» бўлимида етакчилик қилди. Бу ерда унинг савобли ишларидан бири шу бўлдики, тарихда ўтган, аммо номлари унутилиб кетган ёки мафкура тазъйиқи билан таъқиқлаб қўйилган ўнлаб улуғ зотларнинг номлари Қомусдан ўрин олишида ташаббускор бўлди: мутахассис олимларга буюртмалар берди, баъзи мақолаларни ўзи ёзди. Аслида бу савобли ишларнинг бошида академик Иброҳим Мўминов, заковатли олим Ғайбулла Саломовга ўхшаган маърифатли кишилар турарди. Аммо кўпчиликка маъқул бўлган бу савобли ишлар ўша йиллар мафкура тақозосига кўра,кимларгадир ёқмайди. Иброҳим Мўминов, Ғайбулла Саломов бошида каттакатта калтаклар синди. Таёқнинг бир учи Эркин Неъматга ҳам тегди. «Ҳақиқат» шеърининг дунёга келиши тарихи шундай. Эркин Неъмат шеърга солган «ҳақиқат» битта унга эмас, кўпчиликка керакдир! Ҳақиқат халқ қалбида, халқ томондадир!

Эркин Неъмат Ўзбек Қомусида, Ўзбекистон радиосида ишлаган кезларида шоирликдан кўра, мақоланависликка, очерчиликка ружу қўйди. Бу ҳол унинг шеър ёзишни эплолмаганидан эмас. балки қалб даъвати, мафкура ва касби тақозосига кўра юз берди. Унинг Қомусида, радиода, газета ва журналларда эълон қилган мақола ва очерклари жамланса катта жилдли китоб бўлади. Уларда ўша давр қаҳрамонлари, ўша давр муҳити муҳрланган. Зеро, Эркин Неъматнинг 60-йилларда булоқдек кўз очган журналистик ижоди бир дақиқа сусайган эмас. Хусусан, Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан сўнг ёзган «Оқ елканни асрайлик» («Халқ сўзи», 1991, 25 декабрь), «Мустақиллик неъматлари осмондан тушмайди» («Туркистон», 1992, 2 май) каби таҳлилий мақолаларида истиқлолимизга доир муҳим фикрлар баён этилган.

Эркин Неъмат шу йил ёздан бери Ўзбекистон телевидениесида хизмат қилмоқда...

Сўзимиз бошида Эркин Неъматнинг «Бугун менинг туғилган куним» шеърини эслаган эдик. Дарҳақиқат, бугун унинг туғилган куни! Ҳаётнинг аччиқ-чучик меваларига, маънили, баъзан юки енгил гап-сўзларига тўла ҳаёт ҳуржунини елкасига ташлаб, эллик ёшнинг елкасига чиқиб турган дўстимиз, шоир ва журналист, маърифатчи Эркин Неъматга тан-сиҳатлик, ижодий ютуқлар тилаб, туғилган кунинг қутлуғ бўлсин, деб қоламиз.

**Ғуломхон ҒАФУРОВ,**
**филология фанлари номзоди.**

---

Ғайрат Файзи 1962 йил гўзал Сўқоқ тоғ қишлоғида туғилган. Кўп қатори оддий деҳқончилик билан шуғулланади. Ўз касбидан фахрланиб гапиради. Аммо унинг юраги... ўтли оташли шеърларга бой. Шеър ёзиш учун, назаримда, дорилфунунни тугатиш шарт эмас экан. У бўш вақтларида устозлари ҳақида, ҳаёт ҳақиқати ҳақида даврнинг бир илғор кишиси сифатида шеърлар ҳам битади.

Азим СУЮН

## ЯНА БАҲОР ҚАЙТАР

Куйма бунча, эй ошиқ, юртга яна баҳор қайтар,
Қур-қурлашиб айтиб қўшиқ, шўх турналар такрор қайтар.
Навбаҳор хандон урган чоғ яна яшнар далаю боғ,
Қорлар эриб очилар тоғ, булбул қайтар, гулзор қайтар.
Келмишлар эшигинг қоқиб, кулбанг пештоқидан боқиб,
Кўзингни оч ўғлон, дея ҳар кимга бахт уч бор қайтар.
Фақат қайтмас ул қалам қош, майли, ўйлаб эгмагил бош,
Кўзларингдан оқмасин ёш, кўп ўйласанг ҳумор қайтар.
Куйма бунча, эй Ғайрат, дилда яна баҳор қайтар,
Ўртасидан узилган тор ўрнига янги тор қайтар.

* * *

Мен бу охири йўқ, поёнсиз жаҳонни тор кўрдим,
Тақдир қошида ўзимни ҳам ожизу ҳам хор кўрдим,
Ҳаётда кимлардир ишлар эгилиб эртадан то кеч,
Бири икки бўлмайин ҳеч, бир бурда нонга зор кўрдим.
Бировлар ҳақиқат излаб кеча-кундуз оворадур,
Ҳақиқатни топди-ю, кеч аҳволини афгор кўрдим.
Осон йўлдан бойлик тўплаб, ёмонлар ошиғи олчи.
Имон, виждонни ўрнида жиғилдонини ғор кўрдим.
Шоҳ фармони халқни эзса, қийничиликка чидолмай,
Ким кўтарса ғавғо, исён боши устида дор кўрдим.
Ўзни осмон билмай Ғайрат, сидқу дилдан виждон билан,
Адо айлаб хизматини элдан кўп эътибор кўрдим.

* * *

Аслида бу шум тақдирнинг кўзлари очиқ кўр экан,
Тер тўкиб меҳнат қилса ким, тор пешонаси шўр экан,
Бу дунё гаштини сурмоқ инсонга бир бор берилар,
Ёшликда равон кўринган ҳаёт йўли қир-ўр экан.
Англадим ҳаётда қайтмас яхшиликдан ҳеч яхшилик,
Макри кўп дунёга тузоқ қўйса ким, охир хўр экан.
Лаҳзали умрида инсон ненидур яратмоқ истар,
Сўнг яратганидан ўзи даҳшатга тушар, ғўр экан.
Неншлар қилган бўлсанг умринг давомида, Ғайрат,
Пилла қуртидек ўзингга тўқилган пишиқ тўр экан.

* * *

Кимгадур бисёр бахт бердинг, азалдан бири кам дунё,
Кимга мол-давлат нақд бердинг, умр фурсатлик дам дунё.
Эзилса-да юк остида, ишлар одам зар қастида,
Лекин сенинг дастингдан кимлардур чекар ғам, дунё.
Сийлаб мақсадга етказиб, гар бугун паришон этсанг,
Эртасига гадо этдинг, ўзгариб дам-бадам дунё.
Ўзга ҳаққа назар солмай бору йўғингга чидадим,
Нокасларга этма ошно, эй дардимга ҳамдам дунё.
Каптархонадур бу жаҳон, Ғайрат ҳам унда бир меҳмон,
Мени сийлаб этдинг бийрон қўлга тутиб қалам, дунё.

Ғайрат ФАЙЗИ

---

## ҲАЙРАТГА СОЛАДИГАН ВОҚЕАЛАР

### САЕҲАТЧИНИ ЕЧИНТИРГАН МАЙМУН

Малайзиянинг шарқидаги арангутан маймунлар қўриқхонасини ўз хотини билан сайр қилган франциялик саёҳатчи бундай воқеа бўлишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Кутилмаганда арангутан маймун саёҳатчига ҳужум қилиб, бутун кийим-бошини ечинтириб, яланғочлаб кетди.

Бельгияда чиқадиган «Суар» газетасининг хабар беришича, 14 ёшли Райа орангутан маймун тўсатдан саёҳатчини ушлаб олиб шимини, кўйлагини, ҳатто ички кийимини йиртиб, ечиб, кийим-бошни олгану қуюқ ўрмонзор ичига ғойиб бўлган. Жароҳатланишдан чўчиган саёҳатчи орангутанга қаршилик кўрсатмаган. Қизиғи шундаки, маймун саёҳатчининг турмуш ўртоғига ҳужум қилмаган, ҳатто тегмаган.

Қўриқхона хизматчиларининг айтишига қараганда, одатда орангутан маймунлар саёҳатчиларга ҳеч қандай душманлик қилмайдилар. Райа эса одамларга ҳеч қачон ҳужум қилмаган.

●

### ЎТА ТЕЗ ЮРАР ПОЕЗД

«Звезда 21» деб номланган ўта тезюрар поезд Япония темир йўли учун янги тезлик рекордига эришди. У соатига 352 километр йўл босади.

Маълумки темир йўл поездлари тезлигининг абсалют рекордига Францияда эришилган. Бу ерда ўта тезюрар поезд соатига 515,3 километр йўл юрган.

---

## КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ ҚИЗАЛОҚ

Анъанавий одатга кўра кўпчилик ёшлар фақат мактабни тугаллаш арафасидагина ким бўлсам экан, деган саволни олдиларига қўядилар. Кўпинча бундай «айрибошлаш»лик яхши натижаларга олиб келмаётганлиги ҳам сир эмас. Лекин биз ҳозир фикр юритмоқчи бўлган жажжи қизалоқнинг келажакдаги орзуси антиқароқ чиқиб қолди.

Нега? — дейсизми, марҳамат, эшитинг!

Сиз суратда кўриб турган қизалоқ яна икки кундан кейин беш ёшга тўлади. Унинг исми Инга, фамилияси эса Баженова. Манзилгоҳи, Тошкент шаҳридаги «Алгоритм» массиви бўлиб, онаси ва бувисининг қўлида тарбия топмоқда.

Қизиғи шундаки, Инга ҳозирданоқ турли миллат рақсларини, куй ва қўшиқларини севади, ижро этишга интилади. Шунингдек, шахмат-шашка ўйинларини ҳам мустақил ўйнай олади. Буларни у бувиси Людмила Ильинична Грушенковадан ўрганган.

Дарвоқе, Инга инглиз тилини ҳам севиб ўқийди. Бу ишда 280-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Лариса Шамсутдинова унга ҳомийлик қилмоқда. Инга беш дарсдаёқ бу тилни ўқийдиган, русчадан инглизчага, инглизчадан русчага таржима қиладиган бўлди. Ҳозир эса у ўзбек тилини мустақил ўрганиб, айрим бадиий китобларни мутолаа қилмоқда.

Биласизми, у келажакда ким бўлмоқчи? Ўзининг фикрича — МАЛИКА...

Нима ҳам дейиш мумкин, ҳозирча унинг қобилиятига тан бериш билан бирга омад тилаш ҳам кифоя бўлса керак...

СУРАТДА: Инга Баженова.



---

### МИЛЛИЙ ДАСТУРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?

Яқинда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг тавсиясига кўра тасвирий санъат муаллимлари Уюшмаси ҳамда Республика ўқув-услубиёт маркази болалар боғчалари тарбиячилари учун теварак-атроф билан таништириш, нутқ ўстириш ва бадиий адабиёт, илк математик тасаввурларни ўстириш, меҳнат; тасвирий санъат, мусиқа, одобнома, жисмоний тарбия, ўйин, табиат билан таништириш номли дастурлар комплексини кўп нусхада нашрдан чиқарди.

Мазкур дастурлар оригинал бўлиб, биринчи бор нашр этилиши. Булардан ташқари, Уюшмада нутқ ўстириш, ўзбек халқ ўйинлари, математика, тасвирий санъат, мусиқадан машғулотларни таҳминий режалаштириш, конспектлар, илмий-методик тавсиялар, альбомлар, шеърлар ва қўшиқлар тўплами мавжуд. Улар мустақил Ўзбекистондаги шарт-шароитлар, маҳаллий материаллар, ўзбек халқининг педагогик ғояларидан, урф-одатлари, анъаналари асосида тайёрланган. Дастурларни пул ўтказиш ёки нақд пулга сотиб олиш йўли билан харид қилиш мумкин. Харид қилиш ва тарбиячиларга етказишни вилоят, ноҳия (шаҳар) халқ таълими бошқармалари раҳбарлигида амалга оширилади.

Мурожаат учун манзилгоҳимиз: 700003. Тошкент, Олмазор кўчаси, 174. Тел.: 45-54-61.

ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САНЪАТ МУАЛЛИМЛАРИ УЮШМАСИ.

---

### «БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ» ЖУРНАЛИ САҲИФАЛАРИДА

Журналнинг 1992 йилдаги сўнгги сонлари нашрдан чиқди. Унинг дастлабки саҳифаларида Қашқадарё вилояти Китоб районидаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси Ғулой Шарипованинг «Алифбе» байрами сценарийси, филология фанлари доктори Самихон Аширбоевнинг «Эски ўзбек ёзуви ва тилининг ўқитилиши», Тошкент шаҳридаги 121-мактаб ўқитувчиси Рисқи Юнусованинг «Андозасиз дарс» рукнида берилган «Риёзиёт салтанатига саёҳат» каби қизиқарли материаллари ўрин олган.

«Нонни исроф қилманг!» сарлавҳали мақолада самарқандлик М. Эшмуродованинг ўтказилган тарбиявий тадбири ҳақидаги тажрибаси ёритилган. Шифокор маслаҳати рукнида Шомурод Шорасул ўғлининг «Гиёҳвандлик сабаби», Б. Каримов ва Ш. Юсуповларнинг «ЭҲМ ахборотни қандай қабул қилади?», йўл қоидаларига оид «Болаларни эҳтиёт қилинг», «Олимпиада — аъло ўқиш гарови» каби бошланғич синф ўқитувчиларига амалий ёрдам берадиган материаллар нашрнинг ранг-баранглигини таъминлаган.

---

# ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ АСАР

## «Осиё ва бозор» китобига тақриз

Республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши муносабати билан жаҳон миқёсида бозорларнинг шаклланиш тарихи барчани қизиқтирмоқда. Дастлабки бозорлар Ер курраси нинг қайси бурчагида — Осиёдами ёки Европада бўлганми, деган савол уларнинг диққат марказида, Тақриз қилинаётган китобда бу саволга батафсил жавоб топса бўлади.

Муаллиф биринчи бобда дастлабки бозор антик дунёда эмас, балки Тинч океаннинг марказий қисмида жойлашган Полинезияда бундан 30 минг йил муқаддам вужудга келганлигини исботлашга ҳаракат қилади. Демак, «Осиё бозори» тушунчаси кейинги йилларда шаклланган тушунча эмас, балки узоқ асрлардан бери илдиз отиб келаётган чуқур ва ҳар тарафлама жараён экан.

Иқтисод фанлари доктори Нурислом Тўхлиевнинг яқинда нашр қилинган «Осиё бозори» номли монографиясини ўқир эканмиз, биринчи бобда ўрта асрларда Мовароуннаҳр бозори, унинг таркиби ва кўлами билан танишамиз, Осиё бозорининг ривожланишида муҳим роль ўйнаган буюк ипак йўли ҳақида батафсил маълумот оламиз.

Буюк ипак йўли инсоният тарихида биринчи марта Шарқ ва Ғарб дунёсини бир-бири билан боғлаган қитъалараро йўл эди. Бу йўл ўз вақтида турли тилда гаплашувчи, турли динларга сиғинувчи, турли подшоларга бўйсунувчи эл ва элатларни, халқларни бир-бири билан боғловчи кўприк вазифасини ҳам ўтарди. Бу йўл инсон қадриятларини, тўплаган маданий-маънавий бойликларини халқдан халққа, мамлакатдан мамлакатга олиб ўтувчи буюк шоҳкономир вазифасини бажарган.

Муаллифнинг асосий хизмати ҳам шундаки, у ипак йўлига фақат савдо йўли деб қарамасдан, балки инсониятнинг қадрият ва маданият дурдоналарини ўзаро алмашиш, ҳамкорлик воситаси бўлганлигини кўрсатади ва шунга асосланиб савдогар чайқовчи эмас, у зиёли, маърифатпарвар, ишбилармон ва ҳожатбарор шахс, мардлик ва тазаккалчилик хислатларига эга бўлган инсон, деб исботлашга ҳаракат қилади. Шу билан бирга айрим савдогарлардаги нафсибузуқлик кайфиятларини ҳам танқид қилади. Муаллифнинг фикрича, бозор иқтисодиётига ўтиш кишиларда тадбиркорлик, омилкорлик фазилатларини тарбиялайди, уларни ялқовлик, лоқайдлик каби иллатлардан форғ қилади. «Туркистонда, — деб ёзади муаллиф, — социализмнинг асосий зиддиятлари ва фожиаларидан бири шу бўлдики, бу ердаги халқлар ўзларининг кўп асрлик илдизларидан ажралиб қолди»...

Китобда фақат бозор қадриятларини тиклашгина эмас, балки бозор ҳақидаги тарихий ҳақиқат, аждодларимиз анъаналари, шунингдек, бутун жаҳон бозор тажрибаси билан таништириш мақсадида иккинчи бобда замонавий бозор механизмини шакллантириш муаммолари ҳақида сўз боради. Бунинг учун бозор иқтисодиётига ўтишдаги амриқоча, ғарбий Европа, Япония ва бошқа мамлакатларнинг бозор иқтисодиётига ўтиш тажрибалари таҳлил қилинади. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёти жараёнида тўпланган ва республика шароитига тадбиқ қилса бўладиган барча ижобий ва мақбул тажрибалардан шак-шубҳасиз самарали фойдаланади. Гап бирон-бир моделни, ҳатто у ижобий натижалар берган тақдирда ҳам, кўр-кўрона кўчириб олиш тўғрисида бораётгани йўқ» (9-бет), деб қайд этади. И. Тўхлиевнинг «Осиё ва бозор» монографиясининг иккинчи боби эса худди ана шундай тажрибаларни ўрганишга катта ёрдам беради.

Китобнинг навбатдаги боблари республикамиз ижтимоий ишлаб-чиқаришини бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш ва уларни тақсимлаштириш масалаларига бағишланган.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, тақриз қилинаётган асар бозор иқтисодиётига бағишланган дастлабки рисолалардандир. У биринчи тажриба сифатида анча муваффақиятли чиққан асар бўлишига қарамасдан, фикримча, китобда айрим жузъий камчиликлар ҳам йўқ эмас.

Биринчидан, Осиё мамлакатлари, шу ҳисобда Мовароуннаҳрда бозор тараққиётини риожлантиришда пул муомиласининг аҳамиятини инкор қилиб бўлмайди. Китобда пул муомиласи тарихини ёритишга ортиқча ўрин берилиб, жуда кўп иккинчи даражали тафсилотлар берилган бўлса ҳам, лекин инқилобдан олдин Туркистон ўлкаси, Бухоро ва Хива хонликларидаги ташқи ва ички савдонинг аҳволи, пул муомиласининг хусусиятлари етарли ёритилмаган.

Иккинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғланган бир қатор масалалар монографияда ёритилмасдан четлаб ўтилган. Бозор иқтисодиётининг муҳим омилларидан бири республика транспортининг аҳволи ва келажаги, қўшма корхоналарнинг хусусиятлари ва бошқа масалалар шулар жумласидандир.

Шунингдек, монографияда бозор иқтисодиётига ўтиш қандай босқичлардан бўлиши, босқичма-босқич амалга оширилиши ва бозорлар ҳақиқат излаб кеча-кундуз оворадур, Ҳақиқатни топди-ю, кеч аҳволини афгор кўрдим. Осон йўлдан бойлик тўплаб, ёмонлар ошиғи олчи. Имон, виждонни ўрнида жиғилдонини ғор кўрдим. Шоҳ фармони халқни эзса, қийничиликка чидолмай, Ким кўтарса ғавғо, исён боши устида дор кўрдим. Ўзни осмон билмай Ғайрат, сидқу дилдан виждон билан, Адо айлаб хизматини элдан кўп эътибор кўрдим. қилинган, холос. Ўйлаймизки, кейинги икки йил давомида республикамизда амалга оширилган бозор иқтисодига доир тадбирларни ҳам таҳлилий бу асарга киритиб, китобни қайта ишлаб, кўпайтириб нашр қилиш мақсадга мувофиқ келарди.

**Ҳикмат СОБИРОВ,**
**иқтисод фанлари доктори, профессор.**

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

---

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Г-529. ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди. 20.00. Тираж 44761.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12